

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ, РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР
КАСАЛЛИКЛАР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МУСТАНОВ ЖАВОХИР АБДУСАМАТ ЎҒЛИ

**СУРХОНДАРЁ ИҚЛИМ ШАРОИТИНИНГ ЗООНОЗ ТЕРИ
ЛЕЙШМАНИОЗИ ЭПИДЕМИК ЖАРАЁНИГА ТАЪСИРИ, УНИНГ
ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.30 – Эпидемиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мустанов Жавохир Абдусамат ўгли

Сурхондарё иқлим шароитининг зооноз тери
лейшманиози эпидемик жараёнига таъсири унинг
профилактикасини такомиллаштириш 3

Мустанов Жавохир Абдусамат угли

Влияние климатических условий Сурхандарьинской области
на эпидемический процесс зоонозного кожного лейшманиоза,
совершенствование его профилактики 27

Mustanov Javohir Abdusamat coals

The influence of climatic conditions of the Surkhandarya region
on the epidemic process of zoonotic cutaneous leishmaniasis,
improving its prevention 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 57

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ, РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР
КАСАЛЛИКЛАР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МУСТАНОВ ЖАВОХИР АБДУСАМАТ ЎҒЛИ

**СУРХОНДАРЁ ИҚЛИМ ШАРОИТИНИНГ ЗООНОЗ ТЕРИ
ЛЕЙШМАНИОЗИ ЭПИДЕМИК ЖАРАЁНИГА ТАЪСИРИ, УНИНГ
ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.30 – Эпидемиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Tib2312 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Неъматов Аминжон Сабдарович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Маматқулов Иброҳим Хомидович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мадреимов Амет Мадреимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871-150-78-14).

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Л.Н. Туйчиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.У. Таджиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Б.М. Таджиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда лейшманиоз 98 та давлатларда эндемик ҳолда учрайдиган, тропик касаллик ҳисобланиб, ЖССТ берган маълумотларига кўра, «...дунёда тери лейшманиози касаллиги билан касалланган 12 миллионга яқин бемор мавжуд ва йилига дунёда тери лейшманиози хасталиги билан янги касалланган беморлар 600 000 дан 1 миллионгача бўлиши...»¹ таъкидланган. Лейшманиоз бўйича хавфли ҳудудларда тахминан 350 миллион киши яшайди. Зооноз тери лейшманиози (ЗТЛ) касаллиги Ўрта Осиё (Туркменистон ва Ўзбекистон), Афғонистон, Кавказ орти, Яқин Шарқ ва Африка давлатларида тарқалган. ЗТЛ касаллиги дунёда туризм ривожланиши сабабли нафақат эндемик ҳудудларда балки бошқа географик ҳудудларда ҳам учрамоқда бундай вазиятда ЖССТ талабларига биноан зооноз тери лейшманиози профилактикаси бўйича муаммоларни кечиктирмай ҳал қилиниши зарурлиги мақсадга мувофиқ.

Жаҳонда иссиқ иқлим шароитининг зооноз тери лейшманиози эпидемик жараёнига таъсири унинг профилактикасини такомиллаштириш борасида қатор мақсадли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, аҳоли ҳудудлари кесимида, аҳоли орасида зооноз тери лейшманиози касаллиги билан касалланиш кўрсаткичларини ретроспектив эпидемиологик таҳлил қилиш, зооноз тери лейшманиози касаллигининг асосий манбаи ва ташувчилари бўлиши мумкин бўлган кемирувчи ва искабтопарларнинг тарқалганлик даражасини аниқлаш, ҳудудларнинг табиий иқлим шароитларини зооноз тери лейшманиози касаллигининг ҳудудлар бўйича тарқалиши кўрсаткичлари билан таққослаб ўзаро боғлиқлик мавжудлигини аниқлаш, кўшни Афғонистон Республикаси ҳудудидан ўтиб жанубий ҳудудларига кириб келадиган кучли Афғон шамолининг, ҳудуддаги зооноз тери лейшманиози хасталигини эпизоотик ва эпидемик жараёнга таъсирини асослаш ҳамда аҳолиси орасида зооноз тери лейшманиози касаллиги бўйича амалдаги эпизоотия ва эпидемияга қарши профилактик чора – тадбирларнинг самарадорлигини аниқлашга қаратилган профилактик чора – тадбирларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббиёт соҳасини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, касалликларни эрта аниқлаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг устивор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий – санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Сурхондарё иқлим

¹www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/leishmaniasis.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

шароитининг зооноз тери лейшманиози эпидемик жараёнига таъсири унинг профилактикасини такомиллаштириш борасида тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий-профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги даврда дунёда ЗТЛ касаллигининг эпизоотологиясини, эпизоотологиясини ўрганишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилган, жумладан (Moein D. et al, 2018; Saberi R. et al, 2018). Лекин Сурхондарё вилоятида ЗТЛ касаллигининг эпизоотологияси, эпизоотологияси, кўзгатувчиларининг биологик хусусиятлари, олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштириш бўйича охириги 60 йилда илмий изланишлар олиб борилмаган. Адабиётларга кўра ЗТЛ касаллиги муаммоси дерматовенеролог ва эпизоотологлар томонидан ўрганилган, жумладан А.Ш. Ваисов томонидан ўткир некрозланувчи тери лейшманиозида коллаген мономицинли комплексининг самарадорлигини клиник-экспериментал баҳолаш тартиби асосланган (А.Ш.Ваисов, 1978, 1989), ЗТЛ касаллигининг замонавий эпизоотологик таснифи ва профилактик чора тадбирларни такомиллаштириш Қашқадарё вилояти мисолида ўрганилган (Н.С.Ташбаев, 2011), Тери лейшманиозини клиник, микробиологик ва иммунологик кўрсаткичларини ўрганиш такомиллаштирилган (З.М.Абидова ва бошқалар, 2014, 2015, 2016, 2017), Тери лейшманиозининг иммуногенетик хусусиятлари ўрганилган (И.Р.Рахимов, 2017). Бироқ Сурхондарё вилоятининг ҳудудларида ЗТЛ касаллиги бўйича эпизоотологик ва эпизоотологик вазиятларнинг йиллар давомида носоғлом бўлишининг сабаблари, омиллари ва ҳудуднинг ўзига хос табиий иқлим шароитларининг кўзгатувчиларининг биологик хусусиятларига таъсири аниқланмаган.

Республикамизда ЗТЛ касаллигининг олдини олиш бўйича профилактик чора тадбирлар тизимида такомиллаштириш зарур бўлган муаммолар мавжуд, шунинг учун ҳам ушбу касалликнинг эпизоотологияси, эпизоотологияси ва кўзгатувчиларининг биологик хусусиятларидан ва табиий иқлим шароитларидан келиб чиқиб, зооноз тери лейшманиози касаллиги бўйича эпизоотологик ва

эпидемиологик барқарорликни таъминлаш бўйича такомиллаштирилган чора тадбирларни ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №03-4974 «Аҳоли саломатлигини яхшилаш, Ўзбекистон Республикаси аҳолисига тиббий профилактик ёрдамни такомиллаштириш ва аҳоли саломатлиги учун хавфли омилларни бартараф этиш» (2018 – 2022 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади табиий иқлим шароитларнинг зооноз тери лейшманиози касаллиги бўйича эпидемиологик ҳолатга таъсири ва профилактик чора – тадбирларни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аҳоли орасида зооноз тери лейшманиози касаллиги билан касалланиш кўрсаткичларини ретроспектив эпидемиологик таҳлил қилиш (1994 – 2023 йиллар);

зооноз тери лейшманиози касаллигининг асосий манбаи ва ташувчилари бўлиши мумкин бўлган кемирувчилар ва искабтопарларнинг тарқалганлик даражасини ўрганиш;

табиий иқлим шароитларини зооноз тери лейшманиози касаллигининг ҳудудлар бўйича тарқалиши кўрсаткичлари билан таққослаб ўзаро боғлиқлик мавжудлигини аниқлаш;

кўшни Афғонистон Республикаси ҳудудидан ўтиб жанубий ҳудудларига кириб келадиган кучли Афғон шамолининг, ҳудуддаги ЗТЛ касаллиги бўйича эпизоотологик ва эпидемик жараёнга таъсирини ўрганиш;

аҳолиси орасида зооноз тери лейшманиози касаллиги бўйича амалдаги эпизоотия ва эпидемияга қарши профилактик чора – тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш, тадбирларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида уларни такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси СЭО ва ЖС кўмитаси ва унинг Сурхондарё вилояти бошқармасининг ЗТЛ касаллиги бўйича 1994–2023 йиллардаги расмий ҳисоботлари (n=12842); Республика Ўлат профилактика марказининг 2015 - 2022 йилларда вилоят ҳудудида эпидемиологик ва эпизоотологик вазиятни аниқлаш бўйича қўйилган эпизоотологик, эпидемиологик отрядларининг маълумотлари; ЗТЛ касаллигининг ташувчилари морфологиясини ўрганиш бўйича Самарқанд ДТУ ҳузуридаги МВЮ ва ПКТИ, ТТА Термиз филиали ва Сурхондарё вилоят СЭО ва ЖС бошқармаси билан ҳамкорликда 2015 – 2023 йилларда ўтказган илмий тадқиқотлари натижалари (n=12842); вилоят ТТК диспансерида ЗТЛ касаллиги билан даволанган беморларнинг тиббий баённомасидан кўчирмалар (n=268); вилоят СЭО ва ЖС бошқармасининг туман бўлинмаларида ЗТЛ касаллиги билан рўйхатга олинган беморларнинг эпидемиологик карталари (n=2506); вилоят метеостанциясининг 2018-2023 йилларда, вилоятдаги иқлим шароитлари, қайд этилган «Афғон» шамоли тўғрисидаги маълумотлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида Амударё дарёси соҳиллари, Пайғамбар орол кўриқхонаси ва уларга яқин бўлган аҳоли пунктлари ҳудудларида аниқланган қизил думли қум сичқонларни зооноз тери лейшманиози касаллиги кўзгатувчилари билан зарарланганлигига текшириш натижалари (n=565), искабтопарларнинг фаунасини аниқлаш учун тайёрланган препаратлар (n=2046) олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Белгиланган вазифаларни бажариш учун эпидемиологик (ретроспектив ва оператив таҳлил), паразитологик (Тери лейшманиозининг лаборатория таҳлили), энтомологик (Искабтопарларни тутишда Т.И. Даргачева томонидан тавсия қилинган байроқча шаклидаги қаттиқ ёпишқоқ қоғоз усули) ва статистик (t Стьюдент, χ^2 Пирсон мезонлари) тадқиқот усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Амударё дарёси соҳиллари ҳамда Пайғамбар орол кўриқхонаси ҳудудида янги аниқланган фаол табиий ўчоқли ҳудудлар ҳисобига зооноз тери лейшманиози касаллиги бўйича эпизоотик ва эпидемик жараёнлар давомийлиги асосланган;

зооноз тери лейшманиозининг асосий манбаси бўлган катта қум сичқонларнинг эпизоотологик аҳамияти йўқолганлиги ва эпизоотик жараён қизил думли қум сичқонларнинг ҳисобига ривожланиши исботланган;

зооноз тери лейшманиози касаллиги ташувчиси *Ph.Papatasi* ва бошқа турдаги искабтопарларнинг уч маротаба генерацияга учраши, ҳудуддаги зооноз тери лейшманиози касаллиги бўйича эпизоотик ва эпидемик жараёнларни таъминловчи асосий омил эканлиги исботланган;

илк бор жанубий ҳудудларидаги зооноз тери лейшманиози касаллиги бўйича эпизоотик ва эпидемик жараёнларнинг, Афғонистон ҳудудидаги табиий ўчоқли ҳудудлар билан узвий боғлиқлиги борлиги ва Афғон шамолининг вилоят жанубий ҳудудлардаги эпизоотологик ва эпидемиологик вазиятга салбий таъсири мавжудлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

зооноз тери лейшманиози касаллиги энг кўп тарқалган ҳудудларда, касалликни келтириб чиқарувчи асосий омиллари аниқланган;

зооноз тери лейшманиози касаллигининг келиб чиқиши ва тарқалишида ҳудудларнинг табиий иқлим шароитлари таъсири мавжудлиги аниқланган;

ҳудудларнинг иқлим шароитларидан келиб чиқиб, зооноз тери лейшманиози касаллигига қарши такомиллаштирилган эпизоотия ва эпидемияга қарши профилактик чора – тадбирлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишида қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган эпидемиологик, энтомологик ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги билан белгиланиб, зооноз тери лейшманиози касаллигининг тарқалганлиги, касалликни келтириб чиқарувчи омиллари, юқиш йўллари ва унинг профилактик чора-тадбирларини такомиллаштиришнинг ўзига

хослиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, нафақат Сурхондарё вилояти, балким Республиканинг барча ҳудудларини улардаги мавжуд табиий иқлим шароитларидан келиб чиқиб таққослаб асослашда, ЗТЛ касаллиги манбаси каламушлар ва ташувчилари искабтопарларнинг биологиясидаги ўзгаришларни аниқлашдан олинган натижалар, ЗТЛ касаллигига қарши самарали эпизоотологик ва эпидемиологик чора-тадбирларни режалаштиришда дифференциал ёндашишни таъминлашда, касаллик устидан мониторинг олиб боришда ва башоратлашда муҳим аҳамият касб этиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, Сурхондарё вилояти ҳудудида зооноз тери лейшманиози касаллигининг келиб чиқиши ва тарқалишида табиий иқлим шароитларининг таъсири, касалланиш даражасини, тарқалиш хавфи юқори бўлган ҳудудлар ва олдини олиш чора-тадбирларини, ушбу касалликни олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, зооноз тери лейшманиоз касаллигига қарши такомиллаштирилган эпизоотологик ва эпидемиологик чора-тадбирларни қўллаш юқори ижтимоий-иқтисодий самара бериши: касалланишнинг олдини олиши, бемор саломатлигининг тез қайта тикланиши, асоратларнинг олди олиниши ва беморларнинг шифохонада даволанишига сарфланадиган харажатларни камайтириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурхондарё иқлим шароитининг зооноз тери лейшманиози эпидемик жараёнига таъсири, унинг профилактикасини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: Амударё дарёси соҳиллари ҳамда Пайғамбар орол қўриқхонаси ҳудудида янги аниқланган фаол табиий ўчоқли ҳудудлар ҳисобига зооноз тери лейшманиози касаллиги бўйича эпизоотологик ва эпидемик жараёнлар давомийлиги асосланганлиги бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий фаолиятини Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2022 йил 09 июндаги 8н-р/608-сон билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида зооноз тери лейшманиози касаллигига қарши курашиш ва олдини олиш чора-тадбирлари бўйича» номли услубий тавсияномада кўрсатилган. Мазкур таклифлар Сурхондарё вилояти тери таносил диспансери бўйича 10.11.2022 йилдаги 58-Т-сон ва санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Сурхондарё вилояти бошқармаси бўйича 16.11.2022 йилдаги 107-1Т-сон ва Республика ўлат профилактика марказининг Сурхондарё вилояти бўлими бўйича 20.11.2022 йилдаги 52-сон, Санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Қашқадарё вилояти бошқармаси бўйича 27.12.2022 йилдаги 78-3-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 27 июлдаги 04/30-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: Сурхондарё вилояти ҳудудида зооноз тери лейшманиози

касаллигининг келиб чиқиши ва тарқалишида табиий иқлим шароитларининг таъсирида касалланиш даражаси, тарқалиш хавфи юқори бўлган ҳудудлар ва олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш орқали ушбу касалликни олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни тизимли тартибни ишлаб чиқиш натижасида касалликнинг самарадорлигини ошириш имконини берган. Иқтисодий самарадорлиги: жанубий ҳудудларда йиллар давомида зооноз тери лейшманиозини Амударё дарёси сохиллари ва Пайғамбар орол кўриқхонаси ҳудудида фаол табиий ўчоқли ҳудудлар мавжудлиги ҳисобига эпизоотологик ва эпидемик жараёнларнинг юзага келишига шароит яратганлигини асослаш мақсадида тери таносил диспансерида бир беморга дори дармон ва тиббий буюм, лаборатор таҳлиллар учун ўртача 105.557 сўм бўлиб, 15 кунга 1583355 сўмни, физиотерапия бўлими харажатлари учун лазер CO₂ аппарати хизматларига 660 минг сўмни жами бир курс 2543335 сўмни бюджет маблағларини иқтисод қилиш имконини берган.

иккинчи илмий янгилик: зооноз тери лейшманиозининг асосий манбаси бўлган катта қум сичқонларнинг эпизоотологик аҳамияти йўқолганлиги ва эпизоотологик жараён қизил думли қум сичқонларнинг ҳисобига ривожланиши исботланганлиги бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий фаолиятини Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2022 йил 09 июндаги 8н-р/608-сон билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида зооноз тери лейшманиози касаллигига қарши курашиш ва олдини олиш чора-тадбирлари бўйича» номли услубий тавсияномада кўрсатилган. Мазкур таклифлар Сурхондарё вилояти тери таносил диспансери бўйича 10.11.2022 йилдаги 58-Т-сон ва Санитария эпизоотологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Сурхондарё вилояти бошқармаси бўйича 16.11.2022 йилдаги 107-1Т-сон ва Республика ўлат, профилактика марказининг Сурхондарё вилояти бўлими бўйича 20.11.2022 йилдаги 52-сон, санитария эпизоотологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Қашқадарё вилояти бошқармаси бўйича 27.12.2022 йилдаги 78-3-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 27 июлдаги 04/30-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: зооноз тери лейшманиозининг асосий манбаси бўлган катта қум сичқонларнинг эпизоотологик аҳамияти йўқолганлиги ва жанубий ҳудудида асосан қизил думли қум сичқонлар эпизоотологик хусусиятини ривожланганлигини ҳисобига ушбу сичқонларнинг эпизоотологик хусусиятлари касалликнинг ривожланишига асос бўлиши беморларнинг ҳаёт сифати ва уларнинг функционал ҳолатини издан чиқишдаги ўрни илмий асосланган. Иқтисодий самарадорлиги: зооноз тери лейшманиозининг асосий манбаси бўлган катта қум сичқонларнинг эпизоотологик аҳамияти йўқолганлиги, шунингдек жанубий ҳудудида асосан қизил думли қум сичқонлар эпизоотологик хусусиятини ҳисобига тери таносил диспансерида бир беморга дори дармон, тиббий буюм ҳамда лаборатор таҳлиллар учун ўртача 105.557 сўмни, 15 кунга 1583355 сўмни, физиотерапия бўлими харажатлари учун лазер CO₂ аппарати хизматларига 660 минг сўм, умумий бир курс учун эса 2543335 сўмни бюджет маблағларини иқтисод қилиш имконини берган.

учинчи илмий янгилик: зооноз тери лейшманиози касаллиги ташувчиси Ph.Paratasi ва бошқа турдаги искабтопарларнинг биологияси ўзгарганлиги, искабтопарларнинг уч маротаба генерацияга учраши, ҳудуддаги зооноз тери лейшманиози касаллиги бўйича эпизоотологик ва эпидемик жараёнларни таъминловчи асосий омил эканлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий фаолиятини Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2022 йил 09 июндаги 8н-р/608-сон билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида зооноз тери лейшманиози касаллигига қарши курашиш ва олдини олиш чора-тадбирлари бўйича» номли услубий тавсияномада кўрсатилган. Мазкур таклифлар Сурхондарё вилояти тери таносил диспансери бўйича 10.11.2022 йилдаги 58-Т-сон ва санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Сурхондарё вилояти бошқармаси бўйича 16.11.2022 йилдаги 107-1Т-сон ва Республика ўлат, профилактика марказининг Сурхондарё вилояти бўлими бўйича 20.11.2022 йилдаги 52-сон, Санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Қашқадарё вилояти бошқармаси бўйича 27.12.2022 йилдаги 78-3-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 27 июлдаги 04/30-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: жанубий ҳудудлардаги мавжуд таббий иқлим шароитлари таъсирида зооноз тери лейшманиозининг ташувчиси Ph.Paratasi ва бошқа турдаги искабтопарларнинг биологияси, генерацияга учраши вақти, давомийлигини ўзгарганлиги, искабтопарлар бошқа ҳудудлардагидек икки марта эмас, уч маротаба генерацияга учраши, ҳудуддаги касалликнинг эпизоотик ва эпидемик жараёнларни таъминловчи асосий омил эканлиги, ушбу омил эпизоотик суриштиришда инобатга олинishi ҳамда илмий жиҳатдан ўрнини кўрсатиб ўтилганлиги, касалликни ташхислаш ва даволашда аҳамият бериш зарурлиги кўрсатиб ўтилган. Иқтисодий самарадорлиги: жанубий ҳудудлардаги мавжуд таббий иқлим шароитлари таъсирида зооноз тери лейшманиозининг ташувчиси Ph.Paratasi ва бошқа турдаги искабтопарларнинг биологияси, генерацияга учраши вақти, давомийлиги ўзгарганлиги, искабтопарлар бошқа ҳудудлардагидек икки марта эмас, уч маротаба генерацияга учраши, ҳудуддаги касалликнинг эпизоотик ва эпидемик жараёнларни таъминловчи асосий омил эканлиги ҳамда касалликни даволашда тери таносил диспансерида бир беморга дори-дармон, тиббий буюм ҳамда лаборатор таҳлиллар учун ўртача 105.557 сўмни, 15 кунга 1583355 сўмни, физиотерапия бўлими харажатлари учун лазер CO₂ аппарати хизматлари учун 66000 минг сўм, умумий бир курс учун эса 2543335 сўмни бюджет маблағларини иқтисод қилиш имконини берган.

тўртинчи илмий янгилик: илк маротаба жанубий ҳудудларидаги ЗТЛ касаллиги бўйича эпизоотологик ва эпидемиологик жараёнларнинг, Афғонистон ҳудудидаги таббий ўчоқли ҳудудлар билан узвий боғлиқлиги борлиги ва Афғон шамолининг вилоят жанубий ҳудудларидаги эпизоотологик ва эпидемиологик вазиятга салбий таъсири борлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий фаолиятини Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2022 йил 09 июндаги 8н-

р/608-сон билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида зооноз тери лейшманиози касаллигига қарши курашиш ва олдини олиш чора-тадбирлари бўйича» номли услубий тавсияноманинг мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Сурхондарё вилояти тери таносил диспансери бўйича 10.11.2022 йилдаги 58-Т-сон ва Санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитасининг Сурхондарё вилояти бошқармаси бўйича 16.11.2022 йилдаги 107-1Т-сон ва Республика ўлат, профилактика марказининг Сурхондарё вилояти бўлими бўйича 20.11.2022 йилдаги 52-сон, Санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитасининг Қашқадарё вилояти бошқармаси бўйича 27.12.2022 йилдаги 78-3-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 27 июлдаги 04/30-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: илк маротаба Афғонистон Республикасидаги мавжуд зооноз тери лейшманиозининг табиий ўчоқли ҳудудлари Афғон шамоли ҳисобига кўшни Амударё соҳиллари ва Пайғамбар ороли кўриқхонаси орқали, Сурхондарё вилоятнинг жанубий туманлари орқали Тожикистон Республикасига кетадиган кучли Афғон шамоли билан ушбу ҳудудлардаги касаллик кўзгатувчилари билан зарарланган ташувчилар бўлган искабтопарлар ўзининг йўналишида жойлашган вилоятнинг жанубий ҳудудларга олиб келиши натижасида беморларнинг ҳаёт сифатини издан чиқиши ва касаллик тарқалишига асос бўлиш имконини берган. Иқтисодий самарадорлиги: илк маротаба Афғонистон Республикасидаги мавжуд зооноз тери лейшманиозининг табиий ўчоқли ҳудудлари, Амударё соҳиллари ва Пайғамбар ороли кўриқхонаси, вилоятнинг жанубий туманлари орқали Тожикистон Республикасига кетадиган кучли Афғон шамоли билан ушбу ҳудудлардаги касаллик кўзгатувчилари билан зарарланган ташувчилар бўлган искабтопарлар ўзининг йўналишида жойлашган вилоятнинг жанубий ҳудудларга олиб келиши натижасида ривожланган касалликни исботлаш натижасида тери таносил диспансерида бир беморга дори-дармон ва тиббий буюмлар ҳамда лаборатор таҳлиллар учун ўртача 105.557 сўм бўлиб, 15 кунга 1583355 сўмни, физиотерапия бўлими харажатлари учун лазер СО₂ аппарати хизматларига 660минг сўм, умумий бир курс 2543335 сўмни бюджет маблағларини иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, хотима, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқотнинг республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларининг Соғлиқни сақлаш амалиётга татбиқ этилганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи. Тери лейшманиоз касаллигининг эпизоотологияси ва эпидемиологиясининг ўрганилганлик ҳолати**» деб номланган биринчи бобида, муаммонинг замонавий ҳолатини очиб берувчи маълумотлар келтирилган. Тери лейшманиоз касаллигини кўзгатувчисининг тавсифи, эпизоотологияси, энтомологияси, эпидемиологияси ва ривожланиш механизмлари, этиологияси, замонавий ташхислаш усуллари, эпидемияга қарши чора-тадбирлар ва профилактика усуллари ёритилган. Касалликни ўрганиш бўйича талаб этиладиган масалалар белгиланган ва тадқиқотни ўрганиш заруриятини асослаш хулосаси билан яқунланган.

Диссертациянинг «**Зооноз тери лейшманиозининг эпизоотологик, эпидемиологик таҳлил материаллари ва текшириш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва махсус текшириш усуллари баён этилган. Ўзбекистон Республикаси СЭО ва ЖС кўмитаси ва унинг Сурхондарё вилояти бошқармаларининг ЗТЛ касаллиги бўйича 1994 – 2023 йиллардаги расмий ҳисоботлари; Республика Ўлат профилактика марказининг 2015 – 2022 йилларда вилоят ҳудудида эпидемиологик ва эпизоотологик вазиятни ўрганиш бўйича қўйилган эпизотологик отрядларининг маълумотлари; Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги Л.М.Исаев номидаги МВЮ ва ПКТИ нинг 2015 – 2023 йилларда ЗТЛ касаллигининг эпизотологияси, манбалари, ташувчилари морфологиясини ўрганиш бўйича Сурхондарё вилоят СЭО ва ЖС бошқармаси, Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиали билан ҳамкорликда ўтказган илмий тадқиқотлари натижалари; 2015 – 2023 йилларда “Сурхондарё вилояти тери – таносил касалликлари диспансери”да ЗТЛ касаллиги билан касалланиб даволанган 268 нафар беморларнинг касаллик тарихидан кўчирмалари; 2011 – 2023 йилларда Сурхондарё вилояти СЭО ва ЖС бошқармасининг туман бўлинмаларида ЗТЛ касаллиги билан рўйхатга олинган 2506 нафар беморларнинг эпидемиологик текшириш карталари маълумотларидан кўчирмалари; Сурхондарё вилоят Метеостанциясининг 2018 – 2023 йиллардаги иқлим шароитлари ва қайд этилган “Афғон” шамоли тўғрисидаги маълумотларидан фойдаланилди.

Эпидемиологик назорат доирасида тасвирий ва таҳлилий эпидемиологик усуллардан фойдаланилди. Аҳолининг умумий касалланиши, турли ёш гуруҳлари ўртасида касалланиш, ҳудудлар бўйича тақсимланиши ўрганилди.

Илмий ишда эпидемиологик назоратнинг эпидемиологик текширув, энтомологик ва статистик усуллар қўлланилди.


Тадқиқот давомида олинган маълумотлар Pentium-IV шахсий компютерида Microsoft Office Excel – 2012 дастурий пакетидан фойдаланиб, статистик қайта ишлашнинг ўрнатилган вазифаларини қўлланилган тартибда статистик қайта ишланди.

Диссертациянинг «**Зооноз тери лейшманиози билан касалланиш кўрсаткичларининг ретроспектив эпидемиологик таҳлили**» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон Республикасида ЗТЛ касаллиги билан касалланиш даражасини кўп йиллик динамикада ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси СЭО ва ЖС қўмитасининг 1994 – 2023 йиллар давомидаги маълумотларининг ретроспектив таҳлили натижалари баён этилган.

Ўзбекистон Республикасида 1994 – 2023 йиллар давомида рўйхатга олинган зооноз тери лейшманиози касаллигининг таҳлили шуни кўрсатадики, касалликнинг энг юқори интенсив кўрсаткичи 1994 йилда қайд этилган бўлиб 2,84 ни ташкил этган, энг кам интенсив кўрсаткичи 2007 йилда қайд этилган бўлиб 0,2 ни ташкил этган.

Таҳлил этилган 30 йиллик касалланиш кўрсаткичларининг ретроспектив таҳлил натижалари шуни кўрсатадики зооноз тери лейшманиози касаллиги билан касалланиш кўрсаткичлари динамикаси биринчи (1994-1998 йй.) ва иккинчи (1999-2003 йй.) беш йилликларда диярли бир хил динамикада бўлиб турган, учинчи беш йилликка (2004-2008 йй) келиб касаллик кўрсаткичи кескин пасайиб бошлаган ва 2007 йилда энг паст кўрсаткич, яъни интенсив кўрсаткич 0,2 ни ташкил қилган. Касаллик кўрсаткичлари динамикаси тўртинчи беш йилликда (2009-2013 йй.) ўзининг олдинги ҳолатга қайтган. Бешинчи беш йилликда (2014-2018 йй.) касаллик кўрсаткичлари ўсиб бошлаган, олтинчи беш йилликда (2019-2023 йй.) касаллик кўрсаткичлари динамикада кескин кўтарилиб кетган. (1-расмга қаранг).

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси орасида 1994 – 2023 йилларда жами 12842 нафар ЗТЛ касаллиги рўйхатга олинган. Касалланганларнинг 11275 нафари 4 та ҳудудда қайд этилган бўлиб умумий касалланишнинг 87.8% ташкил қилган. Энг кўп касаллик Сурхондарё вилоятида – 4175 нафар (32,5%), Бухоро вилоятида – 3370 нафар (26,2%), Қашқадарё вилоятида – 1871 нафар (14,5%) ва Қорақалпоғистон Республикасида–1410 нафар (10,9%) қайд этилган. Республиканинг маъмурий ҳудудлари бўйича ЗТЛ касаллигининг тарқалганлик даражаси таҳлил қилинганда, ЗТЛ касаллиги энг кўп қайд этилган эндемик ҳудудларга Сурхондарё (6,2), Бухоро (6,8), Навоий (2,3), Қашқадарё вилоятлари (2,5) ва Қорақалпоғистон Республикаси (2,6) киради. Касалланиш ўртача кўрсаткичда қайд этилган ҳудудга Жиззах (1,25) вилояти киради. Касалланиш энг паст кўрсаткичда қайд этилган ҳудудларга Самарқанд (0,36), Сирдарё (0,29), Хоразм (0,35), Наманган (0,10), Тошкент (0,11), Фарғона (0,05) вилоятлари ва Тошкент шаҳри (0,07) киради. Республиканинг фақат Андижон вилоятида ЗТЛ касаллиги умуман қайд этилмаган.



1-расм. Ўзбекистон Республикасида тери лейшманиози билан касалланиш динамикаси 1994 – 2023 йиллар (100 000 аҳолига нисбатан)

Аҳолининг зооноз тери лейшманиози касаллиги билан касалланиши худуддаги ташқи муҳит омиллари ва касалликнинг табиий ўчоқлари, улардаги касаллик манбалари бўлган кемирувчилар ва касаллик қўзғатувчисини ташувчи искабтопарлар сони билан боғлиқ. вилоятида қўшни Афғонистон республикаси билан чегарада жойлашган Амударё дарёси атрофидаги мавжуд тўқайзорлар, қаровсиз қолиб кетган ер майдонлари, Афғонистон тарафидан келадиган Афғон шамоли билан боғлиқ.

Касалланиш кўрсаткичи энг юқори бўлган Бухоро, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида касалликнинг кўп тарқалганлик сабаблари, тери лейшманиозининг табиий ўчоқлари мавжудлиги, чўл худудлари нисбатан кўплигида бўлса, Сурхондарё вилоятида қўшни Афғонистон республикаси билан чегарада жойлашган Амударё дарёси атрофидаги мавжуд тўқайзорлар, қаровсиз қолиб кетган ер майдонлари, Афғонистон тарафидан келадиган Афғон шамоли билан боғлиқ (2-расмга қаранг).


Республикамиз бўйича 1994 – 2023 йиллар давомида ЗТЛ касаллиги билан касалланганларнинг қишлоқ ва шаҳар аҳолиси ўртасида тақсимланишини таҳлил қилганимизда, 12842 нафар ЗТЛ касаллиги билан касалланганлардан 8643 нафари (67,3%) қишлоқ аҳолиси, 4199 нафари (32,7%) шаҳар аҳолиси орасида, 8861 нафари (69%) катта ёшдагилар орасида, 3981 нафари (31%) болалар орасида қайд этилган. Шаҳарликлар ва болалар орасида қайд этилган беморлар асосан Термиз шаҳри аҳолиси орасида қайд этилган, чунки Термиз шаҳри ЗТЛ касаллиги бўйича эндемик худудда жойлашган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон республикаси худудларида ЗТЛ касаллиги муаммоси бугунги кунга келиб ўзининг долзарблигини йўқотгани йўқ. Аҳолининг Зооноз тери лейшманиози касаллиги билан касалланиш кўрсаткичи йилдан йилга ошиб бораётганлиги, аҳоли орасида кенг тарқалганлиги, табиий ўчоқли худудларнинг мавжудлиги, бугунги кунда зооноз тери лейшманиози

касаллигининг олин олиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган профилактик чора – тадбирларни ишлаб чиқиш, мавжуд тадбирларни такомиллаштиришни талаб қилади.


Республика маъмурий ҳудудларида зооноз тери лейшманиози касаллиги билан касалланиш ҳолатларининг ретроспектив таҳлили шундан далолат берадики, касалланиш кўрсаткичи юқори бўлган ҳудудларда профилактик чора тадбирларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, ушбу ҳудудларда мавжуд табиий учоқларнинг эпизоотологик ва эпидемиологик фаоллигини таъминловчи омилларни инобатга олган ҳолда амалга оширилиши зарур.

Сурхондарё вилояти аҳолиси орасида 1990 – 2023 йилларда қайд этилган, жами 4766 нафар зооноз тери лейшманиози касаллигининг 4283 нафари (89,8%) вилоятнинг бешта Амударё дарёси соҳиллари ва Пайғамбар орол кўриқхонасига яқин жойлашган ҳудудларида қайд этилган, яъни Термиз шаҳри (2084 нафар, 43,7%), Термиз (773 нафар, 16,7%), Жарқўрғон (585 нафар, 12,2%), Ангор (511 нафар, 11,5%), ва Музработ (330 нафар, 6,9%), туманлари.



2-расм. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳудудлари бўйича 1994 – 2023 йилларда тери лейшманиози билан ўртача касалланишининг қайд этилиш (мутлоқ сон ва 100миг аҳолига нисбатан)

Сурхондарё вилоятида ЗТЛ касаллигининг юқори интенсив кўрсаткичлари 2004 йилда (8,25), 2010 йилда (9,70) қайд этилган, энг юқори кўрсаткич 2021 йилда (13,3) қайд қилинган. Шу йилда касалликнинг интенсив кўрсаткичи 5,1 марта республиканинг ўртача кўрсаткичидан юқори бўлган, энг паст кўрсаткич 2007 йилда қайд этилган, яъни касаллик интенсив кўрсаткичи 0,50 ни ташкил этган (3-расмга қаранг).



3-расм. Ўзбекистон Республикаси ва Сурхондарё вилоятида 1994-2023 йиллар мобайнида тери лейшманиози билан касалланганларни солиштирма таҳлили (100000 аҳолига нисбатан интенсив кўрсаткичларда)


Вилоятда аҳоли орасида ЗТЛ касалликларининг 2005 йилга келиб камайиб бошлагани ва 2007 йилда спорадик ҳолатда қайд этилганлигининг асосий сабабларидан бири, вилоятда 2005 йилдан бошлаб, 10 йилга мўлжалланган ЖССТ Глобал жамғармаси маблағлари ҳисобидан Безгак касаллигини элиминация қилиш бўйича кенг қамровли эпидемияга ва эпизоотияга қарши чора тадбирларини амалга ошириш дастури ўз ишини бошлаган. Дастурнинг биринчи босқичида (2005-2009 йилларда) тадбирлар кўшни Афғонистон Республикаси билан чегарадош бўлган Амударё дарёсига яқин жойлашган Термиз шаҳар, Термиз, Музробот, Ангор, Жарқўрғон туманларида амалга оширилган.

Дастур доирасида Безгак касаллигининг асосий манбаси бўлган Анофелес пашшаларига қарши дезинсекция тадбирлари ўтказилган. 2005 йилда 2774959 кв.м майдонда Церакс препарати қўлланилиб дезинсекция ишлари амалга оширилган бўлса 2007 йилда Зооноз тери лейшманиози касаллиги энг кам қайд этилган йилда 4086835 м.кв. майдонда дезинсекция ишлари амалга оширилган, 2010 йилда Зооноз тери лейшманиози касаллиги қайд этилиши кўпайган йилда бор йўғи 1393639 м.кв. майдонда дезинсекция ишлари амалга оширилган холос(4-расмга қаранг).

Бундан ташқари аҳолини пашша чақишидан ҳимоялаш учун хонадонларга 2005 – 2013 йилларда 90 минг дона Суперметрин инсектицид билан ишлов берилган пашшахоналар (полагалар) ва репелитлар тарқатилган. Ўша йилларда айнан ушбу туманларда зооноз тери лейшманиози касаллиги ҳам энг кўп қайд этилган.

Албатта ушбу тадбирлар нафақат безгак касаллигининг манбаси бўлган Анофелес пашшаларини, балким Зооноз тери лейшманиози касаликларининг асосий ташувчилари бўлган искабтопарларни ҳам йўқ қилган, искабтопарлар аҳолини чақишининг олдини олганлиги натижасида вилоятда зооноз тери

лейшманиози касаллигига чалинган беморлар сони ва кўрсаткичи сезиларли даражада камайган.



4-расм. Сурхондарё вилоятида 2005 – 2022 йиллар мобайнида аҳолининг зооноз тери лейшманиози касаллиги билан касалланиши ва ҳудудларда амалга оширилган дезинсекция ишлари билан боғлиқлиги.

Безгак элиминациясига эришиш бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти дастурининг иккинчи босқичи 2009 йилдан давом эттирилган, лекин иккинчи босқичда асосий тадбирлар вилоятнинг шимолий туманларига қаратилган. Бунинг натижасида 2010 йилда касаллик интенсив кўрсаткичи 9,7 ни ташкил этиб, 2007 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 9 баробарга кўтарилган. 2015 йилга келиб Безгак касаллигини элиминация қилиш халқаро дастури тугатилгандан кейин аҳоли пунктларида дезинсекция ишлари ҳам кескин камайиб кетганлиги натижасида ЗТЛ касаллиги кўрсаткичлари ҳам кескин кўтарилган.

Шундай қилиб, Сурхондарё вилоятида 1994-2023 йиллар давомида аҳолининг зооноз тери лейшманиози касаллиги билан касалланиш кўрсаткичларининг динамикасида охириги йилларда касаллик кўрсаткичининг кескин кўтарилиб кетаётганлиги, ушбу касалликнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиб кечиктириб бўлмайдиган чора тадбирларни амалга оширилишини талаб қилади.

Диссертациянинг «Сурхондарё вилояти табиий иқлим шароитларининг зооноз тери лейшманиози касаллиги эпидемик жараёнига таъсири» деб номланган тўртинчи бобида илмий ишнинг асосий вазифаларини ҳал этишни кўзда тутувчи тадқиқот натижалари тақдим этилган. Вилоят ҳудудини, ҳудудлардаги табиий иқлим шароитларидан келиб чиқиб уч зонага бўлиш мумкин. Биринчиси тоғли ҳудудлар, яъни Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой ва Бойсун туманлари. Иккинчиси тоғлар билан текисликлар орасида тоғ олди ҳудудлари, яъни Шўрчи, Қумкўрғон, Бандихон, Шеробод туманлари. Учтинчиси адир ва чўл зоналарида жойлашган, яъни Қизириқ, Ангор, Музработ, Термиз туманлари ва Термиз шаҳри. Ушбу ҳудудлар иқлими, рельефининг хилма –

хиллиги, ҳарорат режими ва ёғинлар тақсимотига кўра бир биридан фарқ қилади. Шунинг билан бир қаторда бу ҳудудлар Зооноз тери лейшманиози касаллиги тарқалганлик даражаси билан ҳам бир биридан кескин фарқ қилади. Зооноз тери лейшманиози касаллиги асосан учинчи ҳудудда жойлашган Термиз шаҳри, Термиз, Музработ, Ангор туманлари аҳолиси орасида энг кўп қайд этилишининг асосий сабаби, ушбу ҳудудларнинг географик жойлашуви, иқлим шароитлари ва уларга яқин жойда жойлашган, шу кунгача ўрганилмаган “Пайғамбар орол” кўрикхонаси ҳамда Амударё дарёси соҳили ҳудудидаги зооноз тери лейшманиози касаллиги бўйича мавжуд эпизоотологик ҳолатнинг, Афғонистон томонидан келадиган кучли шамолнинг таъсирида, уларга туташ ҳудудлардаги аҳоли орасидаги эпидемиологик вазиятга кўрсатаётган салбий таъсир ҳисобланади.

Сурхондарё вилояти Республикамизнинг энг жанубида жойлашган бўлиб, кўшни Тожикистон Республикасининг Айванж ҳудудидан Туркменистон Республикасининг Килиф ҳудудгача бўлган 156 км масофада Афғонистон Республикаси билан чегарадош.

Амударё дарёсининг оқими бўйича Термиз шаҳри ҳудудидан тахминан 7-8 км пастда, Термиз ва Музработ туманлари чегарасидан ўтувчи қисмида узунлиги 19 км, эни 5 км, умумий майдони 4440 гектар бўлган “Пайғамбар орол” кўрикхонаси жойлашган. Оролнинг чап қирғоғи билан, кўшни Афғонистон Республикаси ҳудудининг оралиғи 250 - 280 метрни ташкил этади холос, ўнг қирғоғи Термиз тумани ҳудуди билан оралиғи 200-250 метрни ташкил этади. Пайғамбар орол кўрикхонаси ҳудуди давлат муҳофазасига олингандан кейин оролда аҳоли яшамайди, фақат ҳарбий қисимлар мавжуд, ҳарбий қисимларда хизмат қилаётган ҳарбийлар орасида хар йили 100 дан ортиқ ЗТЛ касаллиги рўйхатга олинади.

Пайғамбар орол кўрикхонаси давлат муҳофазасига олингандан кейин оролда катта майдонда тўқайликлар, қамишзорлар пайдо бўлган, ўт ўланлар кўпайган, натижада ёввойи ҳайвонлар, кемирувчи ва уларнинг эктопаразитлари ривожланиши учун табиий шароит пайдо бўлган.

Ўрганиш давомида Пайғамбар орол ҳудудида каламушлардан асосан Қизил думли кум сичқонлар, ингичка бармоқли юмрон қозиклар яшаши аниқланди. Қизил думли кум сичқонлар яшаш миграцияси ўрганилганда уларнинг колониялари бутун орол ҳудуди бўйлаб тарқалганлиги, 1 гектар майдонда 70 дан ортиқ калониялари мавжудлиги аниқланиб, бу кўрсаткичлар уларнинг ҳаддан ташқари кўпайиб кетганлиги кўрсатди (1- жадвалга қаранг).

Пайғамбар орол кўрикхонаси ҳудудидаги турли хил ҳайвонларни ЗТЛ касаллиги билан зарарланганликларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, орол ҳудудидаги 7 та муқом нуқталардан ушланган 87 та қизил думли кум сичқонлардан 18 таси (20,6 %) лейшманиялар билан зарарланганлиги

аниқланди. Текширилган бошқа ҳайвонларда лейшманиялар билан зарарланганлиги аниқланмади.

1- жадвал

Пайғамбар орол қўриқхонаси ҳудудида ҳайвонларни зооноз тери лейшманиози касаллиги қўзғатувчилари билан зарарланганликга текшириш натижалари

Ҳайвонлар тури	Нуқталар сони	Ўрганилган ҳайвонлар сони		
		Жами	Касаллик белгилари аниқланганлари	%
Қизил думли қум сичқонлар	7	87	18	20,6
Ингичка бармоқли юмрон қозиқ	5	65	0	0
Тунги қумсичқон	3	35	0	0
Курак тишли каламуш	6	18	0	0
Оддий кўр сичқон	5	16	0	0
Оқ тишли ер қазар	2	10	0	0
Чия бўри	1	2	0	0
Тулки	2	4	0	0
Жами	31	237	18	7,5%

Шундай қилиб, Пайғамбар орол қўриқхонаси ҳудудида зооноз тери лейшманиози касаллигининг асосий манбалари қизил думли қум сичқонлар бўлиб, уларнинг кўпайиши учун оролда яхши табиий шароит мавжуд.

Бундан ташқари Пайғамбар орол қўриқхонаси ҳудудида тутилган 982 та искабтопарларнинг 772 таси (78,6%) искабтопарларнинг ЗТЛ касаллигининг асосий ташувчиларидан бўлган *Phlebotomus papatasi* турига мансублиги аниқланди, бу эса оролнинг барча ҳудудларида доминант тур эканлигини кўрсатади.

Искабтопарларнинг жинси эпизоотологик ва эпидемиологик нуқтаи назардан жуда катта аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб, орол ҳудудида тутилган искабтопарларнинг фаунасини ўрганиш вақтида уларнинг жинсини аниқлаш ишлари ҳам амалга оширилди (2-жадвалга қаранг).

Йиғилган 982 та искабтопарларнинг жинси бўйича ўтказилган таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг 679 таси эркак (70,1%), 303 таси урғочи (29,9%) искабтопарлар ташкил этиб, барча ҳолатларда эркак искабтопарлар устунлик қилган. Эркак искабтопарлар, уларнинг турлари бўйича кўриладиган бўлса *Ph. Papatasi* да эркаклари 67,4%, *Ph. Sergenti* да 74,2% да, *Sergentomyia grekovi* да 77,6% ни ташкил этган. Бундай ҳолат, эркак искабтопарларнинг кўпроқ ҳаракатчанлиги билан боғлиқ.

Шундай қилиб Пайғамбар орол қўриқхонаси ҳудудидаги мавжуд мақбул табиий шароитлар, яъни оролда ёввойи ўсимликларнинг, соя салқин

жойларнинг, кўл ва қамишзорларнинг кўплиги, қиш фаслининг қисқа ва илиқ бўлиши, баҳор ва ёз ойларининг узоқ ва ўта иссиқ бўлиши, ЗТЛ касаллигининг асосий ташувчилари бўлган Ph. Papatasi ва бошқа турдаги искабтопарларнинг кўпайиш босқичларига ижобий таъсир кўрсатиб, уларнинг генерацияси эрта бошланишига олиб келган ва ҳудудда ЗТЛ касаллиги бўйича фаол табиий учоқ пайдо бўлган.

2- жадвал

Пайғамбар орол қўриқхонасида тутилган искабтопарларининг жинси бўйича таҳлили

Искабтопарлар тури	Йиғилган Искабтопарлар сони	Улардан			
		Эркаклари		Урғочилари	
		сон	%±m	сон	%±m
Ph. papatasi	772	520	76,6±1,6	252	83,2±2,1
Ph. sergenti	97	72	10,6±1,2	25	8,3±1,6
Ph. Alexandra	6	4	0,6±0,3	2	0,7±0,5
Sergentomyia grekovi1	107	83	12,2±1,3	24	7,9±1,6
Жами	982	679		303	

